



MILLIY TIKLANISH

1 (166)

2012 йил 4 январь, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

Талабаларга байрам тўхфаси



Университетнинг Самарканд филиалида ҳам асосий диққат-эътибор ахборот ва коммуникация соҳалари бўйича етук мутахассислар тайёрлашга қаратилади. Ўтган давр мобайнида филиални 1550 нафардан зиёд ёшлар битириб, бугунги кунда турли корхоналар, таълим муассасаларида фаолият кўрсатмоқда.



Таълим самарадорлиги йўлида

Ўтган давр мобайнида юксак талабларга жавоб берадиган ўқув-моддий база ва таълим стандартларини шакллантириш, қишлоқ ва шаҳар таълим муассасалари моддий базаси ва жиҳозланишидаги тафовутларни босқичма-босқич бартараф этиш асосида болаларнинг таълим-тарбия олишлари учун кенг шароитлар яратилди.



Хива — эртақлар шаҳри

Баланд қалъа деворлари билан ўралган ва 26 гектар майдонни эгаллаган қадимий шаҳарда бир-биридан гўзал ва маҳобатли элликдан зиёд қадимий обида мавжуд. Хива — Марказий Осиёдаги одамлар яшайдиган ягона ёдгорлик шаҳардир. Яна шуниси ажабланарлики, чўл ўртасидаги бу шаҳар сейсмик жиҳатдан фаол зонада жойлашган.

4 ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

6 ЖАРАЁН

8 КЎЗГУ

ЙИЛ БОШИ

Янги йил шукуҳи

Шу кунларда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тасарруфидаги барча муассаса ва ташкилотлар томонидан жойларда янги йил тадбирлари ўтказилмоқда.

Андижон шаҳридаги виллоят Ёшлар маркази, теннис корти, Темир йўл вокзали ҳамда болалар истироҳат боғи майдонларида катта арчалар ўрнатилиб, ўйинчоқ ва ранг-баранг чироқлар билан безатилган. Байрамона томошаларда Бобур номидаги виллоят мусикали драма театри, "Лола" кўғирчоқ театри, А.Бакиров номидаги Ёшлар театри жамоалари, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси виллоят бўлими, академик ва халқ бадийи жамоалари дирекцияси қошидаги ансамбллар ўз концерт дастурлари билан иштирок этишмоқда.

Бухоро шаҳридаги "Кўҳна ва боқий Бухоро" мажмуаси амфитеатри ҳамда "Сомонийлар" маданият ва истироҳат боғида ўтаётган янги йил арчаси виллоят мусикали драма театри, маданият ва санъат арбоблари, бадийи ҳаваскорлик жамоаларининг чиқишлари билан янада файзли ўтаётти. Айниқса, виллоят академик ва халқ бадийи жамоалари дирекцияси хонандалари, ёш эстрада кўшиқчилари иштирокидаги концерт дастури кўпчиликка манзур бўлаётти.

Хоразм виллоятда янги йилни кутиб олишга пухта ҳозирлик кўрилди. Урганч шаҳридаги "Жайхун" меҳмонхона мажмуаси майдонида ўрнатилган катта арча атрофида "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ҳамда виллоятлик ёш хонандалар иштирокидаги концерт дастурлари намойиш этилмоқда. Шунингдек, байрам дастуридан виллоят кўғирчоқ театри ва Оғажий номидаги виллоят мусикали драма театри жамоаларининг янги йил томошалари ҳам ўрин олган.

Навоий виллоятининг Нурота, Кармана, Қизилтепа, Хатирчи, Зарафшон, Навбахор, Учқудук туманлари марказида ташкил этилган тадбирларда "Чўли ирок", "Нуржон" халқ бадийи жамоалари, "Гули", "Гулчирой", "Наво", "Чиннигул", "Ақтау" ашула ва рақс ансамбллари, "Фарход" ҳамда "Ширин" маданият саройларида эса болажонлар учун ташкиллаштирилган арча байрамларида "Кармана юлдузлари", "Тошработ", "Зарметан" фольклор жамоалари, театр актёрлари ўз маҳоратларини намойиш этиб, томошабинлар қувончига қувонч қўшаёттилар.

Муҳтасархон КАРИМОВА



Оила — жамият таянчи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида: "Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характери, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар — яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир" деб оилага таъриф беради.

Дарҳақиқат, оиланинг жамиятдаги мавқеи бекиёсдир. Тилимизда оилани ватан маъносида, яъни ватан қилмоқ оила кўрмоқ, оилалик бўлмоқ маъносида ҳам қўллаймиз. Демак оила ватан ичидаги ватандир. Оила инсон маънавиятини шакллантирадиган мезон, жамият тараққиётини юксалтирадиган омил, демографик, этнографик анъаналарни давом эт-

тирадиган макон сифатида улуг қадриятдир.

Президентимиз шу ўринда: "Халқимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, энг қимматли анъаналар: ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму ҳаё, меҳру оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар энг аввало оилада шаклланади" деб таъкидлайди. Демакки, ўзбек оиласининг мустақкамлик ва узоқ яшовчанлик сирини ва саодатини айнан ўзбек оиласининг маънавий юксаклигидадир, десак хато бўлмайди. Шу билан бирга оила мураккаб ва серқирра ҳодисадир. Ҳар бир оилада оила юритиш бир хилда кечмайди ва бундай бўлиши мумкин ҳам эмас. Аммо умумий тамойилларимиз, анъаналаримиз, урф-одатларимиз каби муқаддас қадриятларимиздан чекинмаслигимиз, аксинча, уни ривожлантиришимиз ва янада такомиллаштиришимиз, юқори даражага кўтаришимиз лозим. Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб оила қадриятини англаш, уни ижтимоий муҳофаза қилиш ва мустақкамлигини таъминлаш бо-

расида мислсиз ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Президентимиз томонидан оилани қўллаб-қувватлашга қаратилган фармон ва қарорларнинг қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ қилинганлиги оила институтини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланганлигидан дарак беради. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Президентимизнинг ташаббуслари билан юксак муқофот — "Соғлом авлод учун" орденининг таъсис қилинганлиги оила институтига бўлган эътиборнинг яна бир яққол тасдиғидир.

Дарҳақиқат, Президентимиз томонидан 2012 йилга "Мустақкам оила йили", деб ном берилишининг замирида оила — жамият таянчи, оила фаровонлиги миллий фаровонлик асоси, халқ фаровонлиги, мамлакат тинчлиги, оилалар мустақкамлиги ва ёш авлодни қомил инсон этиб тарбиялашдек эзгу мақсадлар мужассам, десак янглишмаймиз.

2-бет

МУНОСАБАТ

Иқтисодий имконият ва имтиёзлар

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЭРКИНЛИГИ ВА МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида баён этган: "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишда янги босқич ва жараёнларнинг бошланишига ҳар томонлама асос бўлди. Унда таъкид этилган кўлаб ҳақ ва қонунчилик ташаббуслари орадан қўп ўтмасданоқ амалиётга жорий этила бошланди.

Президентимиз томонидан тақдим этилган Концепцияда, жумладан, оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва мустақиллигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Концепциянинг III, махсус бўлими "Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш" деб номланади. Унда таъкидланганидек: "Мамлакатимизда ўтган йиллар давомида, айниқса, охириги 10 йилда оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли, ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Юртимизда аввало оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустақкам қонунчилик базаси яратилди. Ушбу даврда оммавий ахборот воситаларини эркин ва жадал ривожлантиришга, ахборот соҳасини самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган 10 га яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинди". Дарҳақиқат, амалдаги "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги, янги тахрирдаги "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги, "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги, "Реклама тўғрисида"ги, "Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"ги, "Ахборотлаш-

тириш тўғрисида"ги ва бошқа бир қатор қонунлар ана шулар жумласидандир. Бугунги кунда босма ва электрон оммавий ахборот воситаларининг умумий сони қарийб 1200 тани ташкил этмоқда.



тириш тўғрисида"ги ва бошқа бир қатор қонунлар ана шулар жумласидандир.

Бугунги кунда босма ва электрон оммавий ахборот воситаларининг умумий сони қарийб 1200 тани ташкил этмоқда.

4-бет

ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — ЕНГИЛМАС КУЧ

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида таъкидланганидек, «оммавий маданият» деган ниқоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига бепи-сандлик, уларни қўпоришга қаратилган хаттарли таҳдидлар одами таъшишга солмай қўймайди.

Болалар маънавияти учун барчамиз масъулмиз

...Компакт дисклар билан савдо қилувчи шох-бобчаларда текширув ўтказган солиқ назоратчиларининг наватдаги таширифи анча шов-шувни келтириб чиқарди.

— Бу диск сотувчилар ҳеч инсофга келмас эканда, - дейди ўрта ёшлардаги аёл. — Аллақандай беҳаё, кўркнчли кинолар ёзилган дискларни сотишадган экан. Мана, солиқ назоратчилари аллақанчасини олиб кетди.

4-бет

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



СИЁСАТ

Гурур ва ифтихор туйғуси

Рустам ЭРГАШЕВ, ЎзМТДП Бувайда туман Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси:



ри, маҳаллий кенгашдаги депутатлик гуруҳлари юртимизда оила тинчлигига, юрт равнақига қўлидан келганча ҳисса қўшиб боради.

● 2012 йил — «МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ»

Оила — жамият таянчи



(Давомий Бошиёв)

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида: "Мамлакатимизда оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича янгитдан қабул қилинадиган қонунларда бугунги ва эртанги кунимиз талаблари акс этиши, амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, бу масалага жамият эътиборини қўйиш" зарурлигини таъкидлайди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасида шахсининг шаклланишида оиланинг роли беқиёс эканлигини ҳисобга олиб, оила институти ва унинг қадриятларини мустаҳкамлаш борасида аниқ мақсадга қаратилган

Маънавиятли оилани шакллантириш ва оилада юксак маънавий-ахлоқий муҳитни ривожлантириш мақсадида маҳаллалар, тегишли ташкилотлар, Республика "Оила" илмий-амалий маркази билан ҳамкорликда "Юксак маънавиятли оила — юксак тараққиёт гарови", "Ёш оилалар — келажакимиз пойдевори", "Оила маънавиятини юксалтиришнинг муҳим омиллари", "Ибратли оила — маҳалла кўрки" каби мавзуларда тадбирлар ўтказишни режалаштирган.

Электоратимиз ҳисобланган таълим муассасалари ходимлари билан ҳамкорликда давлат, жамият ва оиланинг фарзандлар тарбиясига эътибори ва ғамхўрлигини қўйиш, улар учун шарт-шароитларни янада яхшилаш мақсадида мактабгача таълим муассасаларидан тортиб, то олий таълим муассасаларигача ўқувчи — талабаларнинг оилага бўлган муносабати ва масъулиятини ошириш, ёшларда оила аъзоларига ҳурмат туйғулари шакллантириш борасида қатор тадбирлар, "энг яхши маънавияти", "энг яхши психолог", "энг яхши журналист" кўрик танловини ўтказишни мўлжалламақда.

Шу билан бирга, оилада ёш авлоднинг миллий анъана, урф-одат ва қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, оилада кичик бизнес, тадбиркорлик, қишлоқ аёллари орасида касаначиликни янада ривожлантириш, шунингдек, "энг яхши

— Президентимизнинг Ўзбекистон халқига йўллаган янги йил табригини оиламиз даврасида катта ҳаяжон ва диққат-эътибор билан тингладик. Қутловда айтилган сўзлар қалбимиз тўридан жой олди. Дарҳақиқат, яқунланган 2011 йилда тарихий ва қутлуг сана — Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги кенг нишонланди. Қолаверса, 2011 йил жаҳон молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий таъсирига қарамадан эл-юртимиз, Ватанимиз учун ҳар жиҳатдан мазмунли ва омадли келди. Масалан, мамлакатимизда санокли давлатлардаги каби иқтисодиёт барқ

арор юқори суръатлар билан ривожланиб, ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,3 фоизни ташкил этгани бизга гурур ва ифтихор бағишлайди. Ҳозирда аксарият ривожланган мамлакатларда давлат бюджетидagi тақчилликни тўлдириш мақсадида турли чора-тадбирлар кўриляётгани сир эмас. Шундай шароитда Ўзбекистонда барқарор бюджет сиёсати олиб бориляётгани, Президентимиз табригида айтилганидек, 2012 йилга мўлжалланган Давлат бюджет-и харажатларининг 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган бўлиб, унинг аксарият қисми соғлиқни

сақлаш, таълим-тарбия, илм-фан, маданият тармоқларини юксалтиришга қаратилгани барчамизни қувонтиради. Чунки, ЎзМТДП дастурий мақсадларини ҳамда сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда жуда катта имкониятлар тугилмоқда. Хусусан, 2012 йилга мамлакатимизда "Мустаҳкам оила йили" деб ном берилиши партияимиз фаолларидан алоҳида фаоллиқни талаб қилади. Бунинг замирида юртимизда, аввало, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аёлларни, опа-сингилларимизни ижтимоий ҳимоя қилиш,

оғирини енгил қилиш, маҳаллалар ободлиги ва унинг ролини кучайтириш каби муҳим вазифалар ётади. Буларнинг бари халқимиз фаровонлиги ва тинчлигига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Президентимиз табригидан келиб чиқиб, Бувайда туман Кенгаши Ижроия кўмитаси келгусидаги вазифалар кўламини ҳам белгилаб олди. Оила тинчлиги, унинг равнақ топиши, ўғил-қизларимизнинг ҳар томонлама билимли, соғлом бўлиб вояга етиши мамлакатимиз бугуни ва эртасини белгилаб беради. Шундай экан, ҳар бир партия аъзоси ва фаолла-



Президентимиз Ўзбекистон халқига йўллаган янги йил таб-

Шавкат БОЛТАЕВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

ригида таъкидлаганидек, яқунланган йилда ҳам "Мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, ҳаётимизнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш йўлида катта ишлар амалга оширилганини кўп-кўп мисолларда яққол кўриш мумкин". Албатта, эришилаётган ютуқларимиз давлатимиз раҳбари томонидан барча соҳаларга

қаратилаётган юксак эътибор, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш бўйича олиб бориляётган кенг қамровли ислохотларнинг самарасидан далолатдир.

ЎзМТДП Дастурида оила энг муҳим ва муқаддас қадрият сифатида тилга олинади. Зеро, ўзбек халқи оилани алоҳида эъзозлайди ва унинг муҳитига юксак инсоний фазилатларни, анъаналарни, қадриятларни қарор топдиради. Энг муҳими, баркамол авлодни вояга етка-

зишда оила мустаҳкамлиги муҳим ўрин тутди. Шу боис, партияимиз ва фракцияимиз жорий йилдаги иш режаларида оилаларни мустаҳкамлаш, бу борадаги маънавий-маърифий ишларни янада кучайтириш ва энг муҳими оила институтини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган бир қатор лойиҳаларни амалга оширишни кўзда тутмоқда. Хусусан, «Юксак маънавиятли оила орқали юксак тараққиёт сари» ижтимоий-маънавий лойиҳаси

доирасида бир қатор тадбирлар, танловлар, фестиваллар, семинарлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ва очик мулоқотлар ўтказишни режалаштирмоқдамиз.

Юртбошимиз томонидан эълон қилинган янги 2012 — "Мустаҳкам оила йили" юртимизга қут-барақа олиб келсин, Янги йил Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ва фракцияси фаолиятида янгидан-янги ютуқларга бой бўлсин!

Абдурашид ТЎХТАБОВЕВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:



гурур ва ифтихор бағишлайди". Бундай эзгу ишларимиз кўламини "Мустаҳкам оила йили"да янада кенгайтиришга қўмаклашиш ЎзМТДПнинг барча даражадаги ташкилотлари ва депутатлари зиммасига катта масъулият юклайди. Шу боис соҳага оид қонунларни янада такомиллаштириш ва йил дастурини ишлаб чиқишда партиядошларимиз фаоллик кўрсатишни мақсад қилиб қўйдилар.

Айниқса, оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш борасида ЎзМТДПнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари кенг кўламдаги ишларни олиб боришни режалаштирмоқда.

иш олиб бориш, "Юксак маънавиятли оила орқали, юксак тараққиёт сари" деган ғояга асосланган ижтимоий-маънавий лойиҳа яратиш ва уни амалга ошириш вазифаси белгиланган. 2012 йил — "Мустаҳкам оила йили"да ана шундай мақсад ва вазифаларни бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан кўриб чиқиш, унинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш, ушбу ғояни тарғиб-ташвиқ қилишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар режасини янада мукамаллаштириш партияимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Айниқса, оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш борасида ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари кенг кўламдаги ишларни олиб боришни режалаштирмоқда. Никоҳ ёшени қизлар ва йигитлар учун тенг, яъни 18 ёш қилиб белгилаш тўғрисида тегишли қонунларга ўзгартишлар киритиш, фарзандликка бериш тартиб-тамоилларини такомиллаштириш мақсадида тегишли қонунларга ўзгартишлар киритиш, шунингдек, васийлик ва ҳомийлик органлари фаолиятини такомиллаштириш борасида қонунчилик фаолиятини олиб бориш назарда тутилмоқда.

зардўз", "энг яхши қўл каштаси соҳиби", "энг яхши гиламдўз" номларида танлов ўтказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Дунёдаги барча халқлар оила қуриб яшайди, аммо унга муносабат турлича. Оилани бири — зурриётни давом эттириш воситаси деб қараса, иккинчиси эркин муҳаббат деб қарайди, учинчиси мулкчи муносабатни ифода этадиган эрхотин иттифоқи, яна бири — кўпайиш, яратиш, яшашнинг макони сифатида қарайди. Ўзбек оиласи эса барча фазилатларни ўзида мужассам этган тарбия масканидир. Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек: "Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас, Ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжихатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла - юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради". Ёхуд "Бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди". Бундай эзгу-мақсадларни амалга ошириш ҳар биримизнинг бурчимиз бўлмоғи лозим.

Абдуғафур МАМАТОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси



— Мамлакатимиз аҳли янги йилни катта шоду-хуррамлик, умид ва орзулар билан қарши

Лобар ҚОСИМОВА, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

олди. Тарихга айланиб улгурган 2011 йилда мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маъданий-маърифий соҳаларда улкан ўзгариш ва муваффақиятлар қўлга киритилди. Албатта, буларнинг барчаси юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, сиёсий ва иқтисодий барқарорлик, ўзаро аҳиллик ва меҳр-оқибат мевасидир.

Янги 2012 йилда ҳам барча соҳаларда бундан-да юксак марраларни забт этишни ният қилиб турибмиз. Президентимиз

Ислам Каримов Ўзбекистон халқига йўллаган янги йил табригида "Биз кириб келаётган янги — 2012 йилга мамлакатимизда "Мустаҳкам оила йили" деб ном берганимиз бежиз эмас, албатта. Бунинг негизидида юртимизда оила институтини, аввало, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оила таянчи бўлган аёлларимизнинг оғирини енгил қилиш, маҳалла тизимининг бу борадаги ролини кучайтириш, муҳтасар айтганда, оила фаровонлиги-

ни ва шу асосда бутун халқимиз фаровонлигини янада ошириш каби мақсадлар мужассам эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз" деб таъкидладилар. Демак, жорий йилда оила институти ва унинг қадриятларини янада мустаҳкамлаш, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аёлларнинг оила ва жамиятдаги макенини янада оширишга қаратилган кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилиши шубҳасиз.

Дарҳақиқат, оила миллати-

Ахбор ҚАРЖАНОВ, ЎзМТДП МК Ижроия Кўмитаси девони ёшлар масалалари бўлими бош мутахассиси:

— Муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон халқига йўллаган байрам табригида яна бир бор "Кўпни кўрган, заҳматкаш халқимизнинг машаққатли меҳнати эвазига эришган, тасаввур этишининг ўзи қийин бўлган бундай юксак марраларимизнинг пойдевори, энг катта бойлигимиз бўлиб қолган — юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, меҳр-оқибат ва бағрикенгликни, миллатлараро тотувлиқни кўз қорачигидек асраш, бугун биз бошимизда кечириётган нотинч ва таҳликали замонда доимо ҳушёр, огоҳ ва

сезгир бўлиб яшаш, ёшларимизни миллий ғоя руҳида тарбиялаш, уларнинг онги ва қалбини турли зарарли таъсирлардан ҳимоялаш ҳозирги кунда нақадар долзарб ва муҳим вазифага айланаётганини унутмаслигимиз даркор"лигини таъкидладилар. Бундай муҳим вазифаларни амалга ошириш сиёсий партиялар, хусусан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси зиммасига ҳам юксак масъулият юклайди. Партия сайловолди Харакат дастурида қайд этилганидек, мамлакат ва халқимиз

манфаатларини кўзлайдиган ва устувор вазифа деб биладиган баркамол авлодни тарбиялаш борасида юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда фаол иштирок этиш, ёшларни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялаш, уларни замонавий билим, касб-кор ва ҳунар эгаллашга рағбатлантириш, иқтидорли, истеъдодли йигит-қизларни аниқлаш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қўмаклашиш ўзининг устувор вазифаларидан деб билади.

Давлатимиз раҳбари томонидан қўйилаётган бундай устувор вазифаларни амалга оширишда ЎзМТДП "Ёшлар қаноти" фаоллари мавжуд имконият ва шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиб, ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўйиш ниятидамиз.

Бунинг учун "Ёшлар қаноти" фаолиятини янада жонлантиришимиз, партиянинг барча бўғинлари билан мустаҳкам алоқани йўлга қўйиш, сафимизга ташаббускор, билимли, етакчилик қобилиятига эга бўлган ёшларни жалб қилиш, ўтказилаётган



тадбирларимиз сифати ва савиясини ошириш ва янги ижтимоий лойиҳалар устида ишлашимиз лозим бўлади.



Холида МИРЗАХИМОВА, ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши "Аёллар қаноти" раҳбари:

— Оила — жамиятнинг асосий бўғини. Бу бўғин ўзагини эса аёллар ташкил этади. Мамлакатимизда хотин-қизларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боис уларнинг жамиятдаги нуфузини йилдан-йилга ошиб бораёпти. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 2012 йилни "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилиниши замирида ҳам аёлларга нисбатан ғамхўрлик мужассам. Давлатимиз раҳбарининг халқимиз-

га йўллаган байрам табригида юртимизда оила институти, аввало, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оила таянчи бўлган аёлларимизнинг оғирини енгил қилиш, маҳалла тизимининг бу борадаги ролини кучайтириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Зеро, хотин-қизлар фаоллигини янада ошириш, уларнинг жамиятдаги нуфузини мустаҳкамлаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан санала-

ди. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформаси, дастурий мақсад ва вазифаларидан бири ҳам оила институти ва унинг қадриятларини мустаҳкамлаш бора-сида аниқ мақсадга қаратилган иш олиб бориш, "Юксак маънавиятли оила орқали юксак тараққиёт сари" деган ғояга асосланган ижтимоий-маънавий лойиҳа яратиш ва уни амалга оширишдан иборат. Бунинг учун "Аёллар

қаноти" жорий йилда ҳам дунёкараши кенг, ҳуқуқий жиҳатдан билимли, иқтидорли ва истеъдодли хотин-қизларни излаб топиши, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, партия сафига жалб қилиш мақсадида ташкил этиладиган тадбирлар савиясини янада ошириши, бир-бирини тақдорламайдиган мавзулар танлаши, ижтимоий лойиҳаларни амалга жорий қилиши ва турли кўрик-танловлар ўтказиши лозим бўлади.

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

● ДАВРА СУҲБАТИ

Баркамол авлод тарбияси

Унда оила институти муҳим ўрин тутади



ЎзМТДП Мингбулоқ туман Кенгаши томонидан “Мустақкам оила йили” муносабати билан “Оила — жамият таянчи” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда ЎзМТДП туман Кенгаши вакиллари, партия фаоллари, халқ таълими ходимлари, ҚФЙ ва МФЙ вакиллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Оила — жамиятнинг ажралмас, энг муҳим бўғини. Тарбия, инсонийлик, меҳр-оқибат каби эзгу фазилатлар аввало оилада шаклланади. Оила тинч бўлса маҳалла, маҳалла тинч бўлса Ватан тинч бўлади. Шу боис, мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунларидан оила тинчлигини таъминлаш, ҳар бир ёш оилага ғамхўрлик кўрсатиб, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўллади.

Дарҳақиқат, муҳтарам Юртбошимиз ташаббуси билан ҳар бир йилга ном бериш, бунинг асосида жамиятнинг барча жаҳдаларини ривожлантириш, фуқароларимизнинг турмуш

даражасини яхшилаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар нарсдан устун қўйиб, эркин фуқаролик жамияти барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу нуқтаи назардан, 2012 йилга давлатимиз раҳбари томонидан “Мустақкам оила йили” деб ном берилди.

Янги йилда мамлакатимизда оила институти ривожлантириш бўйича янгитдан қабул қилинадиган қонунларда бугунги ва эртанги кунимизнинг талаблари акс этиши, амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, ушбу масалага жамиятимизнинг эътиборини янада кучайтириш кўзда тутилмоқда. Шу боис “Мустақкам оила йили”ни ҳар биримиз қувонч билан кутиб олдик.

Давра суҳбатида кишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғинларида оилаларнинг тинчлиги

таъминлаш, ёш оилаларга ғамхўрлик кўрсатиш, сабабсиз ажралишларнинг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз борди. Айниқса, бу борада янги оила кураётган келин-куёвларнинг саломатлигига жиддий эътибор қаратиш, тиббий кўриқдан ўз вақтида ўтиш лозимлиги таъкидланди.

Таъкидлаш жоизки, “Мустақкам оила” хусусида сўз борар экан, бу борада аввало маҳалланинг ўрни ва роли муҳим аҳамият касб этади. Зеро, давлатимиз раҳбари Конституциямизнинг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Бизнинг йўлимиз — демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир” номли маърузасида таъкидлаганидек, ёш оилани ҳаётнинг турли тўфонларидан асраш, унинг мустақкам оёққа туриб олиши учун елкадош бўлиш, бу борада зарур кўмак ва маслаҳат кўрсатишда маҳалланинг роли ва аҳамиятини ҳеч нарсас билан қиёслаб бўлмайди.

Тадбирда оилаларда фарзандларга тўғри тарбия

бериш, уларнинг билим олиш, касб эгаллашларини жиддий назорат қилиб бориш хусусида ҳам сўз юритилди. Айниқса, эртаминг эгалари бўлиши ёшларнинг маънавияти, одоб-ахлоқи ва саломатлигига таъсир кўрсатувчи турли салбий иллатлардан асраш лозимлиги айтиб ўтилди.

Оила мустақамлиги аввало тинчлик-хотиржамликда қарор топади. Зеро, ватанамиз тинч, осмонимиз мусаффо. Бу эса оилаларимиз тинчлиги-ғаровидир. Тинч оила эса, албатта, мустақкам бўлади.

Жорий йилнинг «Мустақкам оила йили» деб эълон қилиниши ҳоразмлик партия фаоллари томонидан ҳам мамнуният билан қарши олинди. Зеро, янги йилнинг бундай номланиши партия мақсад ва вазифалари билан муштарак. Шу нуқтаи назардан партия ташкилотлари томонидан оила институти ривожлантириш ва такомиллаштириш, аёлларнинг жамиятдаги мавқеини янада юксалтиришга қаратилган қатор тадбирлар ўтказилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири ЎзМТДП Гурлан туман

Кенгаши, “Маҳалла” жамғармаси туман бўлими, Гурлан шаҳарча фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда ўтказилди. “Юксак маънавиятли оила орқали юксак тараққиёт сари” мавзусида ташкил этилган давра суҳбатида партия туман Кенгаши вакиллари, маҳалла фаоллари ва ёшлар иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, истиқлол йилларида мамлакатимизда жамиятнинг муҳим бўғини бўлган оила институти ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган қатор ислохотлар амалга оширилди. Натижада оилаларда соғлом муҳит қарор топиб, миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимиз қайта тикланди. Йиғилишда сўзга чиққанлар ёшлар ва аёллар ўртасида оилавий бизнес ва миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, мазкур соҳада яратилаётган шарт-шароитларга алоҳида эътибор қаратди.

— Юксак маънавиятли ёшларнинг камолга етишида оила институтининг ўрни беқиёс — деди ЎзМТДП Гурлан туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси С.Жуманиёзов. — Жорий йилда оилалардаги маънавий муҳитни янада яхшилаш юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилади. Шу боис ҳар бир инсон учун муқаддас саналган оилага, унинг мустақамлигига алоҳида эътибор қаратиш, бу борада партия сайловли Платформасида илгари сурилган “Юксак маънавиятли оила орқали юксак тараққиёт” деган ижтимоий-маънавий ғояни амалиётга тадбиқ қилиш олдимизда турган муҳим вазифа ҳисобланади. Зеро, миллат равнақида авлодларнинг нафақат жисмонан, балки маънан ҳам соғлом бўлишлари талаб қилинади.

Давра суҳбатида иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди. Партия мақсад ва вазифалари хусусида йиғилганларга кенг тушунча бериб ўтилди. Тадбир сўнггида партия туман Кенгаши ва “Маҳалла” жамғармаси туман бўлими бундай тадбирларни қўллаб-қувватлашга келишиб олдилар.

Баҳодир МҲМИНОВ,
ЎзМТДП Наманган
вилояти Кенгаши
матбуот котиби
Камолиддин
САЙДУЛОВ,
“Milliy tikanish” мухбири

● ДЕПУТАТ МИНБАРИ

Юртимиз тараққиёти

УНГА ҲИССА ҚЎШИШ БУРЧИМИЗ

Давлатимиз раҳбари томонидан 2012 йилни мамлакатимизда “Мустақкам оила йили” деб эълон қилиниши барчамизни бирдек қувонтирди. Айниқса, Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон халқига йўлаган янги йил табриғида ҳам бу ҳақда алоҳида таъкидлаб ўтилгани руҳимизни янада кўтарди. Барча юртдошларимиз қатори кўп минг кишилик “Жанубгазқурилиш” ОАЖ ишчи-хизматчилари ҳам Президентимизнинг янги йил кутловини зўр ҳаяжон ва эътибор билан тингладилар.



Айтиш жоизки, мустақилликнинг илк даврлариданоқ мамлакатимизда оилага, она ва бола саломатлигига катта эътибор қаратилмоқда. “Соғлом она — соғлом бола” миллий дастури ва ундан кўзланган мақсад халқимизни ҳар жиҳатдан тўла-тўқис, соғлом ҳаёт кечиришини таъминлашга йўналтирилгани билан янада аҳамиятлидир. Муҳтарам Юртбошимиз бу масалага алоҳида тўхталиб: “Оилани ҳаётимиз таянчи ва суянчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини деб қабул қилишимиз замирида,

ҳеч шубҳасиз, жуда катта маъно-моҳият муҳассам. Чунки оила соғлом экан — жамият мустақкам, жамият мустақкам экан — мамлакат барқарор” деб таъкидладилар. Шу боис юртимизда оила институти, ёш оилаларга ғамхўрлик, аёлларга кўрсатилган эътибор тобора ортиб бормоқда. Булар оила фаровонлиги ва юрт тараққиёти билан берадиган омиллардир. Оилага кўрсатилган ҳар қандай ёрдам, ғамхўрлик жамият ривожига, мамлакат келажагига хизмат қилади.

Қолаверса, бундай эзгу мақсад ва вазифалар ўз дастурида оиланинг этник анъаналарини маънавий қадриятларнинг доимий таъминлигининг буюк манбаи, деб билган Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг ҳар бир аъзоси ҳаёти ва фаолиятида акс этмоғи керак.

Юртбошимиз Ислам Каримов ташаббуси ва раҳнамолигидеда соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтожларни

ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида изчил сиёсат олиб борилаётгани сир эмас. Буларнинг бари эл-юрт фаровонлиги ва ободлигига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, юртимизда кишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қуриш, коммунал-маиший шароитларни яратишга қаратилган дастур асосида 2012 йилда 8 минг 510 та оила шаҳар шaroитидан ҳеч кам бўлмаган янги уй-жойларга қўйиб кириш имконига эга бўлади. Бу халқимиз, авваламбор, кишлоқ жойларда яшаётган аҳолининг келажагини ўйлаб амалга оширилаётган катта вазифалардан биридир. Ўтган 2011 йилда “Жанубгазқурилиш” ОАЖ да меҳнат қилаётган 6 нафар ёш оилага намунавий уй-жойларнинг қалити топширилиб, янги йилни янги уйда кутиб олиш имконига эга бўлишди.

Шу билан бирга Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Дастури ва сайловли Платформасидан келиб чиққан ҳолда бу йил ҳам яна 10 га яқин ёш оилани намунавий уй-жойларга эга бўлишида ёрдам беришни мақсад қилиб қўйдик.

Президентимизнинг янги йил табриғидаги “Кўпни кўрган, захматкаш халқимизнинг машаққатли меҳнати

эвазига эришган, тасаввур этишининг ўзи қийин бўлган бундай юксак марраларнинг пойдевори, энг катта бойлигимиз бўлиши — юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик, меҳр-оқибат ва бағрикенглик, миллатлараро тотувлиқни кўз қорачи-гидек асраш, бугун биз бошимиздан кечириётган нотинч ва таҳликали замонда доимо хушёр, огоҳ ва сезгир бўлиб яшаш, ёшларимизни миллий ғоя руҳида тарбиялаш, уларнинг онги ва қалбини турли зарарли таъсирлардан ҳимоялаш ҳозирги кунда нақадар долзарб ва муҳим вазифага айланаётганини унутмаслигимиз даркор” деб айтган даъватларига ҳар биримиз ўз ҳиссамизни қўшимиз керак.

Ўзбекистонимизни ягона Ватан, деяр меҳнат қилаётган ҳар бир инсон қайси соҳада хизмат қилмасин шу юрт, унинг истиқлоли ва истиқбол учун меҳнат қилаётганини эсдан чиқармаслиги лозим. Зеро, озод ва хур Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун муносиб ҳисса қўиш ҳар биримизнинг мақсад ва муддаомизга айланмоғи даркор.

Одамбой САПАЕВ,
ЎзМТДП Халқ
сайланган халқ
депутатлари
Хоразм вилоят
Кенгаши депутати

168 СОАТ: ЎзМТДП
ТАШКИЛОТЛАРИДА

Миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимиз

МУЖАССАМЛАШГАН ОИЛАНИ
МУСТАҚКАМЛАШ УСТУВОР ВАЗИФАМИЗ

КОРАҚАЛПОҒИСТОН

ЎзМТДП Амударё туман Кенгаши томонидан “Баркамол авлод — обод Ватан келажаги” шиори остида маърифий тадбири ташкил этилди. Унда ЎзМТДП Амударё туман Кенгаши вакиллари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва туман Кенгаши депутатлари, “Дўстлик”, “Ойбек” маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчилари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

— Ёшларни миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий салоҳиятини ошириш ва бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, улар қалбида ватанпарварлик, инсонпарварлик каби улғувор фазилатлар камол топишига кўмаклашиш лозим, — дейди ЎзМТДП Амударё туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Ш.Янгибаева. — Мазкур тадбир ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўллади ислохотлар, ўзгариш ва янгиланган ёшларни хабардор қилиш мақсадида ташкил этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ёшларнинг замонавий билим ва касб-хунарга эга бўлиши, истеъдодли йигит-қизларни аниқлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда турли ёт ғоялар таъсиридан асрашда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ҳаракат қилиш лозимлигини таъкидладилар.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Ёшларни халқ бойлиги, салоҳияти ҳамда куч-қудрат манбаи деб билган жамият улар ҳақида ғамхўрлик қилишни ўзининг биринчи галдаги вазифаси деб билади. Бинобарин, ёшларга ғамхўрлик мамлакат ва халқ келажаги учун қайғуриш демакдир.

ЎзМТДП Бўка туман Кенгаши, туман хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда ўтказилган давра суҳбати “Мустақил юрт ёшлари — келажагимиз таянчи” деб номланди. Унда ЎзМТДП Бўка туман Кенгаши аъзолари, туман хотин-қизлар кўмитаси ходимлари ҳамда партиянинг “Ёшлар қаноти” фаоллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мустақиллик йилларида ёшларга катта имконият ва шарт-шароитлар яратилаётгани, бунинг натижаси ўлароқ эртаминг эгалари халқро спорт мусобақалари, фан олимпиадаларида салмоқли натижаларга эришаётгани, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўллади ислохотлар, ўзгариш ва янгиланишларда фаол иштирок этаётганини таъкидладилар.

ЖИЗЗАХ

Оила жамият асосини ташкил этади. Мамлакатимизда баркамол авлодни шакллантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда инсон манфаатларига қаратилган саъй-ҳаракат ва ислохотлар оила мустақамлиги учун хизмат қилади. Эътироф этиш жоизки, ўзбек халқи қадимдан оилани муқаддас санаган, унда фаровонлик, соғлом муҳитнинг ҳукми суриши фарзандлар камоллини таъминлашда муҳим аҳамият касб этишини яхши билган. Давлатимиз раҳбари томонидан 2012 йилни “Мустақкам оила йили” деб номланиши замирида ҳам ана шундай мақсад ва вазифалар муҳассам.

ЎзМТДП Фориш туман Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган “Мустақкам оила — жамият таянчи” мавзусидаги тадбирда ана шундай фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди. Унда сўз олганлар мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, хусусан, янги иш ўринлари яратиш, ёшларни касб-хунарга йўналтириш, уларни оилага тайёрлаш, ёш оилалар учун яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлар ҳамда бу борада амалга оширилаётган тадбирларга тўхталдилар.

— Оила мустақамлиги аввало ёшларнинг дунёқараши, маънавиятига боғлиқ — дейди ЎзМТДП Фориш туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Ғ.Самадов. — Шу боис партияимиз ёшлар маънавиятини янада юксалтириш, маҳалла ва оила ўртасидаги алоқаларни кучайтириш ҳамда ёшларнинг тиббий ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган тадбирларни мунтазам ташкил этиб келмоқда.

Тадбир сўнггида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

ФАРҒОНА

ЎзМТДП Кува туман Кенгаши ташаббуси билан “Мустақкам оила йили”га бағишлаб “Мустақкам оила — юрт таянчи” мавзусида тадбир ўтказилди. Унда ЎзМТДП туман Кенгаши аъзолари, партия “Аёллар қаноти” ва “Ёшлар қаноти” етакчилари, халқ депутатлари Кува туман Кенгаши депутатлари, “Маҳалла” жамғармаси туман бўлими ҳамда туман ФХДБ бўлими мутасаддилари, “Нуроний” жамғармаси туман бўлими ходимлари ва ёшлар иштирок этди.

Тадбирда сўз олганлар 2012 йилни “Мустақкам оила йили”, деб номланиши халқимизнинг эзгу ниятларини рўёбга чиқариши, мулоҳазасиз муҳтарам Юртбошимиз томонидан тақдир қилинган бу эзгу тилак нафақат оила, балки маҳалла, ҳар бир фуқаро қалбидан ҳай олгани ҳамда партияимиз дастурий мақсад ва вазифаларига жомаян эканлиги ҳақида тўхталдилар. Йиғилишда, шунингдек, партия дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда юксак маънавиятли, ахлоқли ва қомил инсонни тарбиялаш, жамиятда оила институти мустақамлаш борасида аниқ мақсадга йўналтирилган ижтимоий лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва кенг жамоатчилик орасида тарғиб-ташвиқ қилиш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

БУХОРО

ЎзМТДП Бухоро вилояти Кенгаши томонидан “Конституция ва амалдаги қонун ҳужжатларида хотин-қизлар манфаатларининг қафолатланиши” мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди. Унда ЎзМТДП Бухоро вилояти ва Бухоро шаҳар Кенгаши аъзолари, Бухоро шаҳар ҳокимлиги, бошланғич партия ташкилотлари ва “Аёллар қаноти” етакчилари, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари ва талабалар иштирок этди.

Тадбирни очган ЎзМТДП Бухоро вилояти Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари О.Рўзиева мустақиллик йилларида жамият ҳаётининг барча жаҳдаларида хотин-қизлар ролини кучайтириш ва улар нуфузини янада ошириш, ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилганини таъкидлаб, жумладан, шундай деди:

— Мамлакатимизда хотин-қизларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳалардаги иштирокини янада яхшилаш бўйича кенг қўллади ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Меҳнат, Оила кодекси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бевосита аёллар ҳуқуқлари, манфаатлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Семинар иштирокчилари эътиборига “Конституция ва амалдаги қонун ҳужжатларида хотин-қизлар манфаатларининг қафолатланиши”, “Хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги ўрни: ҳуқуқий қафолатлар”, “Оилада соғлом муҳитни таъминлашда аёл маънавияти омилининг аҳамияти” каби мавзуларда маърузалар ҳавола этилди.

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

● МУНОСАБАТ

Иқтисодий имконият
ва имтиёзларОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ЭРКИНЛИГИ ВА
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ(Давоми.
Боши 1-бетда)

Бу сўнгги 10 йил ичида электрон ОАВ 7 баробар, босма ОАВ 1,5 баробар кўпайганини кўрсатмоқда. Амалдаги телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат ОАВ саналади.

Президентимиз Концепцияда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини янада кенгайтириш, давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни кенг хабардор қилиш, телерадиоэшиттиришлар соҳасини мустақил индустрия сифатида қайта ташкил этиш, уларни янги шакл ва турларини пайдо бўлиши, оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари ва механизмларини кучайтириш, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий қилиш, энг муҳими, оммавий ахборот воситаларини давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлаш, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш ҳамда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланиш мақсадида "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида", "Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида", "Оммавий ахборот воситалари фаолияти-

нинг иқтисодий асослари тўғрисида", "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида" янги қонунлар қабул қилиш, амалдаги "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида" ҳамда "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги қонун нормаларини янада такомиллаштириш, рақамли телерадиоэшиттириш тизимига ўтиш бўйича давлат дастурини ишлаб чиқиш каби тақлиф ва қонунчилик ташаббуси билан чикдилар.

Президентимиз томонидан 2011 йил 30 декабрь куни қабул қилинган "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"ги қарорни Концепцияда тақлиф этилган ғоя ва ташаббусларнинг яна бир амалий рўёби, дейиш мумкин.

Оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва мустақиллигини таъминлаш демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири саналади. Оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги ва мустақиллиги эса, энг аввало, унинг иқтисодий имкониятига боғлиқ. Президент қарорида оммавий ахборот воситалари, нашриёт, полиграфия корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотларни янада ривожлантириш, уларнинг иқтисодий имкониятларини янада кенгайтириш, мустақиллигини таъминлаш мақсадида қатор қўшимча солиқ

имтиёзлари ва афзалликлар берилмоқда. Улар 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб бирданига бир нечта, яъни ижтимоий-сиёсий ҳамда болалар адабиётини, имкониятлари чекланган шахслар учун адабиётларни сотишдан олинган фойдадан фойда солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғидан, оммавий ахборот воситалари махсулотлари, китоб махсулотлари сотиш ва уларнинг нусхаларини кўпайтириш бўйича хизматлардан олинадиган даромад-

ҳамқасбим кўнғирок қилди ва суюниб деди: "Бош ҳисобчимиз билан ўтириб, ҳисоб-китоб қилдик: ана шу қарордан кейин 15-20 киши меҳнат қиладиган, 5-6 минг тиражда чиқадиган бир газета 1 йилда салмоқли маблағни иқтисод қилар экан". Энди ана шу қарор туфайли 50, 100 ёки ундан кўп киши меҳнат қилар экан, 100-200 минг тиражда чоп этиладиган оммавий ахборот воситаси ёки миллион-миллион нусхада ОАВ ва китоб махсулотлари чиқарилган, сотадиган ва тарқата-

Президентимиз томонидан 2011 йил 30 декабрь куни қабул қилинган "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"ги қарорни Концепцияда тақлиф этилган ғоя ва ташаббусларнинг яна бир амалий рўёби, дейиш мумкин.

лар қисмида йўл ва таълим жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашдан, ОАВ ва китоб махсулотлари етказиб бериш хизматлари қўшилган қиймат солиғидан озод қилинди. Бундан ташқари, улар учун ягона солиқ ставкалари 6 фоиздан 5 фоизга, "Ижод" жамғармасига нашриёт ва матбаа ташкилотлари тўлайдиган мажбурий "ахборот" миқдори 2 фоиздан 1 фоизга, газета, журнал ва китоб махсулотларини чакана сотишга ихтисослашган якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкаси ўрта ҳисобда 2 баробарга пасайтирилди.

Ушбу қарор эълон қилинган куннинг эртасигаёқ бир

диган жамоанинг бир йилда тежаб, ёнида қоладиган маблағини ҳисоб-китоб қилиб кўраверинг.

Бундай қўшимча имтиёз ва афзалликлар аввало оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий-молиявий жиҳатдан тикланиши, ходимлар соҳиятини ошириши, энг муҳими, уларни мамлакатимизда кечадиган демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида янада фаолроқ иштирок этиши, муҳтасар айтганда, унинг асосий омилларидан бирига айланиши учун қулай имконият, шарт-шароит яратди.

Исмаи ХУДОЁЕВ



Талабаларга байрам тўғрисида

Янги йил байрами арафасида Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Мамлакатимиз таълим тизимида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар жараёнида ёш авлодининг замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиши, касб-хунар эгаллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Махсус давлат дастурлари асосида таълим муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда. Мамлакатимиз таракқиёти ва бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, янги йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрланаётир.

Бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 2 июнда қабул қилинган "Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда. Мазкур қарорга кўра, Фарғона, Қарши, Нукус, Урганч

ва Самарқанд шаҳарларида Тошкент ахборот технологиялари университетининг филиаллари ташкил этилди.

Университетнинг Самарқанд филиалида ҳам асосий диққат-эътибор ахборот ва коммуникация соҳалари бўйича етук мутахассислар тайёрлашга қаратилаётир. Ўтган давр мобайнида филиални 1550 нафардан зиёд ёшлар битириб, бугунги кунда турли корхоналар, таълим муассасаларида фаолият кўрсатмоқда. Айни пайтда бу ерда тўрт йўналишда бакалавр, икки мутахассислик бўйича магистр кадрлар тайёрланмоқда.

— Мазкур янги бинонинг қуриб фойдаланишга топширилиши мамлакатимизда ахборот технологиялари соҳасини ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор самарасидир, дейди ТАТУ Самарқанд филиали директори Улғубек Нарзул-



F.ХАСАНОВ

● ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — ЕНГИЛМАС КУЧ

Болалар маънавияти учун барчамиз масъулмиз

(Давоми.
Боши 1-бетда)

— Бугунги дисклар савдосига бутунлай чек қўйиш керак, - дейди яна бир аёл. — Ёшларимизни айнан шундай дисклар тўғрй йўлдан адаштиряпти.

— Нимасини айтасиз, кун бўйи ишда бўлман. Ўғлим уйда ёлғиз қолади. Ёмон кинолар кўрмасин, деб телевизорни кулфлаб кетаман, - деди сотувчилардан яна бири.

— Буни фойдаси бўлармикан, ахир, ҳозир нима кўп интернет-кафе кўп. Сиз уйда тақиклаганингиз билан болангиз кўчада бемалол кўраверад.

Жиззах шаҳридаги «Кўк бозор»да солиқ назоратчилари томонидан текширув ўтказилиши билан бошланган бундай гап-сўзлар анчагача давом этди. Биров бу дисклардаги киноларнинг миллий одоб-ахлоқимизга зидлигини гапирса, бошқа биров уларни сотаётганларни қоралади. Муҳими, ҳеч ким бу иллатга бепарқ эмаслиги аён бўлди.

Солиқ назоратчилари ўз хизмат вазибаларини бажарди. Текширув давомида бозорнинг энг гавжум жойига ўрнашиб олган битта шохобчанинг ўзидан 282 дона диск мусодара қилинди. Яна бир шундай шохобчадан 205 дона, бошқасидан эса бундан ҳам кўпроқ диск олиб қўйилди.

Мамлакатимизда кино-видео махсулотлари савдоси ва

хизмат кўрсатиш Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 мартда қабул қилинган кино-видео махсулотларни ишлаб чиқариш, кўпайтириш, дубляж қилиш, сотиш ва уларнинг прокати бўйича фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлашга доир қарори асосида тартибга солинади. Ушбу меъёрий ҳужжатларнинг бажарилишини назорат қилиш, мувофиқлаштириш бўйича вилоятда давлат солиқ, божхона, ички ишлар идоралари ҳамда «Ўзбеккино» миллий агентлигининг вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган доимий фаолият кўрсатувчи комиссия иш олиб бораётир. Бозорларда, кинопрокат, видеопрокат шохобчалари тармоқларида мунтазам рейд-текширувлар ўтказилмоқда.

— Катта маблағ ҳисобига ишлаб чиқарилган кинолар, таълиқли хонандаларнинг янги концерт дастурларини руҳсатсиз кўпайтириб сотиш, намойиш этиш бундай иш билан шуғулланувчи «тадбиркорлар»га миллионлаб сўм даромад келтиради, аммо уларнинг муаллифлари, ижодий ташкилотлар, қолаверса, давлат бюджетига катта зарар етказиши, - дейди вилоят солиқ бошқармасининг бўлим бошлиғи Жўрабек Окбутаев. — Тегишли идоралар билан ҳамкорликда

ўтказилаётган текшириш ва рейдлар давомида аниқланган бундай қонунбузарликларга нисбатан кескин чоралар кўрилмоқда. 2011 йилнинг тўққиз ойида ўттиздан зиёд қонунбузарлик ҳолати аниқланиб, икки мингга яқин дискларнинг гайриқонуний айланмасига чек қўйилди.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, бу махсулотларнинг аксарияти хорижда ишлаб чиқарилган бўлиб, уларда бизнинг миллий маданиятимиз, одоб-ахлоқимизга зид фильмлар ёзилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августда қабул қилган «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорида айни шу масалага алоҳида эътибор қаратилган. Вилоят ҳокимлиги томонидан ушбу қарорнинг ижросини ўрганиш давомида жойларда бу борада қатор камчиликларга йўл қўйилаётгани аниқланди. Текширишларда кино-видео, интернет хизмати соҳасида фаолият кўрсатаётган айрим тадбиркорлар масаланинг маънавий жиҳатидан кўра моддий манфаатдорлиқни устун қўяётгани маълум бўлди.

Видеомахсулотлар савдоси соҳасидаги қонунбузарлар фақат иқтисодиётимизга эмас, жамиятимизнинг маънавий асосларига ҳам зарар етказяётгани аянчлидир. Улар тарқатаётган дискларга жой-

ланган фильмларнинг номлари ҳам бундан далолат беради — "Ўликлар уйи", "8-синф қизининг муҳаббат саргузаштлари", "Бир четдаги севги"...

«Ўзбекино» миллий агентлиги томонидан мамлакатимиз ҳудудида намойиш этиш, ижарага бериш, кўпайтириш ва сотиш тақикланган кино-видео махсулотлар сўнгги рўйхатда уч юздан зиёд фильмларнинг номлари кўрсатилган. Бу рўйхат мамлакатимиз ҳудудига яширин йўллар билан олиб кирилатган дискларнинг ҳаммаси эмас. Контрафакт дисклар савдоси билан шуғулланаётган айрим нафси бузуқ «тадбиркорлар» тақикланган махсулотларнинг янги-янгаларини олиб келмоқда. Уларни интернетдан кўчириб тарқатиш ҳам кўпайиб бораётир.

Айни пайтда тобора кўпайиб бораётган интернет-кафе-лар ҳам бу ғайриахлоқий фильмларнинг тарқалишига сабаб бўлмоқда. Масалан, вилоят марказидаги бинолардан бирида жойлашган интернет-кафеда қандай хизмат кўрсатилаётгани кузатилганда, бу ерга келаётган ёшлар ахлоқсизлиқни тарғиб этувчи веб-саҳифаларни кўраётгани маълум бўлди. «Ёшлик» маҳалласидаги интернет-кафе-нинг компьютерлари хотира папкаларида эса юздан зиёд жангари, ҳаёсиз кинолар сақланаётган экан.

Интернет-кафе-лар эндиликда кишлоқларга ҳам кириб бор-

моқда. Бу яхши, албатта. Аммо бу интернет-кафе-лар мутасадди-ларнинг аксарияти ёшлар нималарни кўраётгани билан қизиқмайди, мақсадлари фақат пул ишлашдан иборат. Холбуки, улар ёшларнинг онги-тафаккурини ўстиришга, ватанпарварлик туйғусини кучайтиришга хизмат қиладиган фильмларни тарғиб қилмоғи керак.

Дўстлик тумани марказида жойлашган интернет клубда 10 нафардан зиёд ўқувчи дарс вақтида жангари фильмлар

нинг компьютер савдонлигини ошириш, уларнинг ахборот технологиялари ютуқларидан янада кенгрок баҳраманд бўлишларини таъминлаш мақсадида барча мактаб ва коллежлар интернет тармоғига уланган. Бугунги кунда ҳар бир ўғил-қиз ахборот технологиясининг бу воситаларидан бемалол фойдаланаётир. Энди ҳар бир болада интернетга кириш имконияти мавжуд.

— Ёшларнинг компьютер савдонлиги юқорилиги мактаб

доимий равишда уни назорат қилишимиз керак.

— Ёшларимизнинг ахборот технологияларига қизиқиши ортиб бораётгани қувонарли ҳол, - дейди Жиззах туманидаги 14-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Нурия Холматова. — Лекин фарзандларимизнинг компьютер савдонлигини зарарли машғулотларга йўналтираётганлар пайдо бўлаётган экан, янада ҳушёр бўлишимиз зарур. Шунинг учун компьютер марказларида, интернет клубларда болалар нима кўраётганини, бозорларда қандай дисклар сотилаётганини қатъий назоратга олиш жуда муҳим. Бу ишни фақат ҳуқуқ-тартибот, солиқ идоралари зиммасига ташлаб қўймасдан, жамоатчилик назоратини кучайтириш керак. Бу — биз, педагоглар-

Видеомахсулотлар савдоси соҳасидаги қонунбузарлар фақат иқтисодиётимизга эмас, жамиятимизнинг маънавий асосларига ҳам зарар етказяётгани аянчлидир. Улар тарқатаётган дискларга жойланган фильмларнинг номлари ҳам бундан далолат беради — "Ўликлар уйи", "8-синф қизининг муҳаббат саргузаштлари", "Бир четдаги севги"...

томоша қилаётганига ғувох бўлдик. Пахтакор тумани марказидаги интернет клубда ҳам ўқувчиларнинг дарсга бормасдан, ғайриахлоқий киноларни кўриш билан машғул эканликлари аниқланди. Бундай ҳолат бошқа туманларда-дулла Авлоний ёзганидек, "Дарс ила тарбия орасида бир оз фарқ бўлса ҳам иккиси бир-биридан айрилмайтурган, бирининг вужуди бирига бойланган жон ила тан қабулдор". Яъни, бола дарсдан олган сабогини амалда қандай қўллаётганини назардан қочирмаслигимиз,

ва коллежларда ушбу дарсларнинг пухта ўтилаётгани самараси, албатта, - дейди Зарбдор туманидаги 13-умумтаълим мактабининг ахборот технологиялари фани ўқитувчиси Мавлуда Ўролова. — Аммо буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний ёзганидек, "Дарс ила тарбия орасида бир оз фарқ бўлса ҳам иккиси бир-биридан айрилмайтурган, бирининг вужуди бирига бойланган жон ила тан қабулдор". Яъни, бола дарсдан олган сабогини амалда қандай қўллаётганини назардан қочирмаслигимиз,

дан, ота-оналардан, маҳалла фаолларидан катта масъулият талаб қилади. Ҳа, ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи видеомахсулотларнинг кириб келишига, уларнинг айланишига қарши курашга мавсумий ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари томонидан бажариладиган иш сифатида эмас, кенг жамоатчиликнинг доимий вазифи ҳам деб қаралгандагина қутулган самарага эришимиз мумкин.

Тошкул БЕКНАЗАРОВ,

ЎЗА мухбири

КЎЗГУ

САЁХАТ

Хива — эртақлар шахри

...Учиш йўлагиди тезлигини оширган самолёт ҳавога оҳиста кўтарилди. Иллюминатордан қараб, мамлакатимизнинг ажойиб воҳаларидан бири бўлмиш Хоразмда ўтказган кунларим, бу ерда яшаётган меҳрибон ва меҳмондўст одамлар ҳақида ўйладим.

Хивани эслаганимда кўз ўнгимда, энг аввало, очиқ осмон остидаги ушбу музейнинг қадимий ноёб ёдгорликлари, жумладан, асосий дарвозаларидан бири — Отадарвоза намойён бўлади. Унда қадимий Буюк ипак йўлининг асосий истеҳкомларидан бири бўлган бу шаҳарнинг мавқеи ва улугворлиги ўз ифодасини топган. Жаҳондаги энг катта қитъанинг барча йўллари шу ерда туташган.

Бугун ҳам, ўрта асрлардаги каби, дарвозадан киришингиз билан савдо расталарига кўзингиз тушади. Ўнг томонда Муҳаммад Аминхоннинг маҳобатли минораси қад ростлаб турибди. Зумрад ранг ушбу улкан иншоотни Калтаминор деб ҳам аташади.

Уша пайтларда аждодларимиз мисли кўрилмаган баландликдаги, яъни 70 метрлик минорани барпо этар экан, бу иншоотнинг мангу қад ростлаб, кейинги авлодларга ҳам фахру ифтихор бағишлаб туришини ва хизмат қилишини орзу қилишган.

1885 йил хоннинг вафоти туфайли минора қурилиши тўхтаб қолади. Бироқ, моҳир усталар охирига етмай қолган 26 метр-

лик минорани ажойиб нақшлар билан шундай безайдики, натижада у бугун ҳам тўқис кўрилади. Миноранинг тепа қисмига буюк шоир Оғахоннинг ўлмас сатрлари битилган.

Калта минора яқинида яна бир ёдгорлик — Жума масжид жойлашган. Унинг томини 213 устун ушлаб турибди. Бир-бирини такрорламайдиган мазкур устунлар ҳам ажойиб нақшлар билан безатилган.

Уларнинг орасида 1000 йиллик устунлар ҳам бор!

Жума масжид — миллий меъморчилик дурдонаси. Унинг гўзаллигини соатлаб томоша қилиш мумкин. Ёзнинг энг жазирама кунларида ҳам бу ер салқин бўлади. Улуг айёмларда ушбу масжид беш минггача одамни бағрига олган.

Хиванинг энг баланд — 45 метрлик Ислом ҳожи минораси ҳам ўзининг гўзаллиги ва улугворлиги билан мени бутунлай лол қолдирди.

«Ичан қалъа» давлат тарихий-меъморий музей-қўриқхонаси директори Ботир Давлатов 1994 йил Франция Президенти Франсуа Миттеран Пахлавон Махмуд мажмуасини томоша қилиб завқланган жойни кўрсатди. Франциянинг уша


пайтдаги раҳбари: «Мен дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлганман, бироқ бундай гўзалликни ҳеч қаерда кўрганим йўқ», деб алоҳида таъкидлаган.

Бу минора менга яна бир унутилмас воқеани эслатади: 1986 йилда бу ерда хоразмлик бир қиз ва жилмайиб турган болани суратга олган эдим. Уша пайтлар экскурсовод бўлиб ишлаётган Зайнаб Абдуллаева менга Хива ёдгорликларини кўрсатган эди. У билан бирга суратга тушган болакай эса жияни эди.

Бу сафар ҳам Зайнаб билан тасодифан учрашиб қолдик. Шерзод, яъни суратдаги бола ҳозир 27 ёшга кирибди. Қизи мактабда ўқир экан, ўзи эса Урганчдаги тиббиёт институтига тугатиб, шошилинч тиббий ёрдам марказида травматолог бўлиб ишлаётганини айтди. Зайнаб икки қизи ва ўғлини вояга етказмоқда. Турмуш ўртоғи Рашид билан банкдан кредит олиб, мўъжазгина «Мирза-боши» меҳмонхонасини қурибди. Меҳмонхона сайёҳларга жуда манзур бўлаётир. Негаки, уч юлдузли меҳмонхона замонавий талабларга тўла жавоб беради. Хорижлик меҳмонларни, айниқса, меҳмонхонадаги шарқона қўлайликлар ўзига жалб этмоқда.

Ҳақиқатдан ҳам Хива — эртақ-шаҳар.

Баланд қалъа деворлари билан ўралган ва 26 гектар майдонни эгаллаган қадимий ша-



ҳарда бир-бирдан гўзал ва маҳобатли эллиқдан зиёд қадимий обида мавжуд. Хива — Марказий Осиёдаги одамлар яшайдиган ягона ёдгорлик шаҳардир.

Яна шуниси ажабланарлики, чўл ўртасидаги бу шаҳар сейсмик жиҳатдан фаол зонада жойлашган. Бироқ, Хива кум устида барпо этилганига қарамай, асрлар ўтса-да, қадимий обидалар заррача дарз кетгани йўқ. Бу бунёдкор аждодларимиз яратган ноёб мўъжазалардандир. Қизилқум кумлари ер силкинишларига бардошли.

«Ичан қалъа» давлат тарихий-меъморий музей-қўриқхонасига ҳар йили 700 мингдан ортиқ сайёҳ ташриф буюради. Бугунги кунда ҳунармандларнинг савдо расталари нафақат Отадарвоза олдида, балки бутун қўриқхона бўйлаб жойлашган. Бу сайёҳлар учун жуда қулай. Ҳам зиёрат учун, ҳам тижорат — эсдалик совғалари харид қилиш учун кенг имкониятдир.

Хотин-қизлар зеб-зийнати, турфа хил дўппилар, рўмоллар, мусиқа асбоблари, ёғоч ва сополдан ясалган, чарм ҳамда миллий матолардан тайёрланган буюмларни сайёҳлар бажонидил харид қилади.

Қўриқхонада сайёҳлар учун барча шарт-шароит яратилган: мўъжаз меҳмонхоналар, томоша майдонлари, сайёҳлик бюроси, шинам кафелар улар хизматида. Бугунги Хива — ҳақиқий

сайёҳлар маъвоси!

Мамлакатимизда бундай меъморий ёдгорликларни асраб-авайлаш ва кенг тарғиб қилишга давлатимиз томонидан қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар бераётир. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1997 йили Хиванинг 2500 йиллиги кенг нишонланди. Бу қадимий шаҳарнинг жаҳон меъморчилиги ривожига муносиб ўрни бор. Айни пайтда у жаҳон илм-фанининг қадимий марказларидандир. Бу ерда Ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Беруний каби буюк олимлар, мутафаккир ва шоирлар яшаб, ижод қилган.

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан Хоразм Маъмур академияси яна қайта тикланиб, минг йиллиги кенг нишонланди. Бугунги кунда ҳам йирик тадқиқот марказига айланган ушбу академияда олимлар самарали илмий лойиҳалар устида ишлаши учун барча шароитлар яратилган.

...Оқшом Ботир Давлатов билан Акшир бобо қалъасига чиқдик. Бу ердан бутун шаҳар қафсдагидек кўриниб турарди. Оқшом тушиши билан қадимий шаҳар ранг-баранг чироқлар шўъласида янада гўзаллашиб кетади. Ҳақиқий эртақлар шаҳрига айланди!

Рустам ШАГАЕВ

ЎГИТ

Сўз кечар шамшир каби кескир расо, Қаҳратон қишдек тирикликка юҳо.

Сўз кечар ораста мисли гулбаҳор, Гул очиб кўнгилда, сочгайдир уфур.

РИВОЯТ

Уч буюк табиб

Бир табиб қаттиқ касал бўлиб ётиб қолди. Унинг шогирдлари йиғилиб устозларини даволашга киришди.

Устоз деди: — Севимли шогирдларим, мени даволаш учун беҳуда заҳмат чекманг, ўлимим яқин қолганга ўхшайди. Вафот топганимдан кейин жуда қайғуриб оҳ-воҳ қилманг, чунки, ўрнимга учта буюк табибни қолдириб кетаялман. Шогирдлардан бири сўради: — Азиз устозимиз, сиздан кейин ўрнингизда қоладиган учта табиб кимлар? Устоз деди: — Сизларга сўзлаганим учта зўр табибнинг биринчиси — поклик, иккинчиси — парҳез, учинчиси — бадантарбиядир. Буларнинг ҳаммаси саломатликни сақловчи энг яхши чоралардир.

БИЛАСИЗМИ?

Дунёда фақат биргина Нил дарёсининг ўзани экватордан бошланиб, иқлими мўтадил ҳудуд томон оқади.

Гекл вулкони ёнида Исландиянинг энг йирик гейзерлари жойлашган.

ТУРФА ОЛАМ

Қадимги чизма

БОБИЛ МИНОРАСИНING ЭНГ ҚАДИМГИ ЧИЗМАСИ ШАХСИЙ КОЛЛЕКЦИОНЕР БИСОТИДАН ТОПИЛДИ.



Маълум бўлишича, уни халқаро олимлар гуруҳи норвегиялик коллекционер Мартин Шейенга тегишли тўпламлар орасидан топишган. Қадимги минора чизмасидан ташқари тўпламда Ўлик денгиз, Будда, Австралия аборигенлари, михат ва тош плиталардаги қадимги Месопотамия ҳақидаги битиклар қўлёзмаларда келтирилгани аниқланган. Шунингдек, ушбу қўлёзмаларда «Бобил минораси ёдгорлиги» ҳақида батафсил маълумот берилган. Унда Бобилга бундан 2500 йил аввал ҳукмронлик қилган шоҳ Навуходоносор II ва 91 метрли Бобил минорасининг тасвири туширилган.

Янги орол

ТЕКТОНИК ФАОЛЛИК НАТИЖАСИДА ЯМАННИНГ ҒАРБИЙ СОҲИЛИДА ЯНГИ ОРОЛ ҲОСИЛ БЎЛГАН.



Манбада келтирилишича, бир пайтлар янги орол ўрнида сувлик бўлган экан. Олимлар бунини сувости вулкнларининг отилиши билан боғлашмоқда. Уларнинг гапига қараганда, доимий равишда вулкн отилиши натижасида ҳозирда мавжуд ороллар ҳудуди янада кенгайиши ҳам мумкин. Айрим мутахассисларнинг фикрига кўра, вулкнлар туфайли ҳосил бўлган бундай ороллар шамол ва сувга мутлақо чидамсиз эмиш. Шу боис, янги ороллар қандай ҳосил бўлган бўлса, яна ўшандай йўқ бўлиб кетаркан.

Бир халта пул

РОССИЯЛИК ФУҚАРО СОБИҚ ХОТИНИДАН ОЛГАН ПУЛЛАРНИ ТИЙИНИГАЧА ҚАЙТАРДИ.



Энг қизиғи, қарз миқдори унчалик катта эмас. Бор-йўғи 4 минг рубль, холос. Бироқ, судга шугинани олиб бораманми, дея собиқ эр қозғош пуллари майда тангаларга алмаштириб олган. Натижада, у суд залига оғирлиги 40 килограмм халтани кўтарганча кириб келади. Суд вакиллари 10, 50 ва 150 рубль қийматида эга тангаларни эринмай санаб чиқишади. Чунки, унинг собиқ хотини халтада айтилган миқдорда пул бўлмаса керак деган шубҳага боради. Лекин, унинг шубҳаси асоссиз бўлиб, халтадаги пул хатто, ортиғи билан чиққан.

З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

ФУТБОЛ

Ўзбек футболчилари — кучлилар сафида

Ўзбекистонлик чарм тўп усталари — Сервер Жепаров ва Одил Аҳмедов футбол ҳақидаги Goal.com сайти томонидан 2011 йилги мавсум якунлари бўйича Осиё қитъасининг энг кучли футболчилари қаторига киритилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда навқирон авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол вояга етказиш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда спортнинг барча турлари катори миллий футболимизни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, маҳоратли чарм тўп усталарини тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг футбол-

ни ривожлантиришга оид қарорлари бунда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Бу борадаги ишларнинг юксак самаралари бугун халқаро миқёсда ҳам эътироф этилмоқда.

Футбол оламида катта нуфузга эга Goal.com сайти мутахассислари томонидан 2011 йилги футбол мавсуми якунлари бўйича Осиё қитъасининг рамзий терма жамоалари тuzилди. Унга кўра, Ўзбекистон

миллий терма жамоасининг бир йўла икки аъзоси - Сервер Жепаров ва Одил Аҳмедов осийлик энг кучли футболчилар сафидан ўрин олди.

Сервер Жепаров миллий терма жамоамизнинг 2011 йил январь ойида Қатарда бўлиб ўтган футбол бўйича Осиё кубогида кучли тўртликдан жой олишига, 2014 йили Бразилияда бўладиган жаҳон чемпионатининг саралаш мусобақасида ўз гуруҳида пешқадамлик қилишига муносиб ҳисса қўшди. У жамоа сардори сифатида футболчиларимизни ягона мақсад сари бирлаштириб, энг муҳим ўйинларда ҳал қилувчи голларга муаллифлик қилди.

Яқинда моҳир футболчимиз Осиё футбол конфедерацияси вакиллари томонидан иккинчи

марта Осиёнинг энг кучли футболчилари деб тан олинди. Бу осийлик футболчилар учун қитъа миқёсидаги энг юксак эътирофдир.

Истеъдодли ярим ҳимоячи Одил Аҳмедов эса 23 ёшгача бўлган энг кучли футболчилардан таркиб топган рамзий терма жамоага киритилди. Одил «Осиё кубоги — 2011» мусобақасининг биринчи ва энг чиройли голини уриб, муҳлису мутахассислар эътиборига тушган эди. Айни пайтда у жаҳон чемпионати саралаш мусобақасидаги ишончли ўйинлари билан терма жамоамиз муваффақиятига ҳам муносиб ҳисса қўшди.

Одил Аҳмедов Ўзбекистон футбол федерацияси томонидан 2011 йилнинг энг яхши фут-

болчилари ва мураббийини аниқлаш мақсадида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида ўтказилган сўровда ҳам голиб чиқди. Жами 257 очко жамғариб, Осиёнинг энг яхши футболчилари Сервер Жепаровни ҳам ортда қолдирди.

Шунингдек, Одил Аҳмедов Россия чемпионатида муваффақиятли иштирок этаётган «Анжи» футбол клубининг мавсумдаги энг кучли футболчилари, деб топилди. Уч босқичдан иборат танлов якунига кўра, ўзбек футболчилари ўз жамоадоллари - россиялик Юрий Жирков, нидерландиялик Муборак Бусуффа, камерунлик Самуэль Это'О каби машҳур футболчиларни ортда қолдирди.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,

ЎзА шарҳловчиси